

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ  
МАРКАЗИНИНГ БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**БАБАЕВА МАҚСУДА МУИДИНОВНА**

**ЮРАК РИТМИ БУЗИЛИШЛАРИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЎТКИР  
КОРОНАР СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Бабаева Максуда Муидиновна**

Юрак ритми бузилишлари билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни олиб боришни такомиллаштириш.....3

**Бабаева Максуда Муидиновна**

Совершенствование ведения пациентов с острым коронарным синдромом, осложненным нарушениями ритма.....31

**Babayeva Maksuda Muidinovna**

Improving of the management of patients with acute coronary syndrome complicated by cardiac arrhythmias.....59

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Тиб.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ  
МАРКАЗИНИНГ БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**БАБАЕВА МАҚСУДА МУИДИНОВНА**

**ЮРАК РИТМИ БУЗИЛИШЛАРИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЎТКИР  
КОРОНАР СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tib1058 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро вилоят филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кенжаев Мажид Латипович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Мухамедова Барно Фарҳадовна**  
тиббиёт фанлари доктори;  
**Гадаев Абдигаффор Гадаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**И.К.Ахунбаев номидаги Қирғизистон**  
**тиббиёт академияси (Бишкек, Қирғизистон).**

Диссертация ҳимояси Республика шошилинчи тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-46-00, (+99878) 150-46-05; e-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-46-00).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Хаджибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Х.Э.Анваров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, тиббиёт фанлари буйича фалсафа  
доктори, катта илмий ходим

**Б.К. Алтиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда, қолаверса Ўзбекистонда ўткир миокард инфаркти ва унинг асоратларидан ўлим, ногиронлик ҳозирги кунда хали хануз юқори ўринларни эгалламоқда (2017 ESC Guidelines for the management of acute myocardial infarction in patients presenting with ST-segment elevation). Қоринча тахикардияси (ҚТ) ва қоринча фибрилляцияси (ҚФ) ҳалокатли аритмиялар бўлиб, ўткир миокард инфарктининг (ЎМИ) асосий асоратлари ҳисобланади. ЎМИ билан оғриган беморларда ҚТ/ҚФ ҳолатларининг аксарияти ЎМИ белгилари бошланганидан кейин 48 соат ичида содир бўлади. Олдинги бир қанча тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҚТ/ҚФ унинг пайдо бўлиш вақтидан қатъи назар (яъни симптом бошланганидан кейин 48 соат ёки >48 соат ичида) касалхонада ва узоқ муддатли ёмон натижалар билан боғлиқ.

Жаҳонда олиб борилган қатор тадқиқотлар натижаларига кўра, қоринча аритмиялари ЎМИда 6,9% ҳолларда, қоринча тахикардияси эса 1,8% ҳолларда, ҚФ улуши эса 5,1% ни ташкил қилади. Эрта реваскуляризация ЎМИ беморларининг прогнозини сезиларли даражада яхшилаши мумкин. Бироқ, ҚА хали ҳам реперфузион миокард шикастланиши ёки қайта оқимсизлиги туфайли юзага келиши мумкин. Шундай қилиб, ЎМИ беморларида ҚА хавфини эрта баҳолаш клиницистларга фаол профилактика ва даволаш чораларини кўришга ёрдам беради, шу билан касалхонада ўлим хавфини камайтиради ва прогнозни яхшилади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда ҳам ривожланган бошқа давлатлар каби ўткир коронар синдромни даволаш муаммоси долзарб бўлиб ҳисобланади. Бу авваламбор мамлакатда ўткир коронар синдромни замонавий даволаш даражаси ҳақидаги билимларни ишончли тизимлаштиришнинг имкониятининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Ўзбекистон шароитида ушбу муаммога ҳамда унинг ечимига бағишланган махсус ташкиллаштирилган куп марказли тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлиги, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж ва клиник текширувнинг самарали моделларини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали комплекс тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундай қилиб, бугунги кунда мамлакатимизда кўп сонли пациентларда даволашга ёндашувларни, фармакотерапия кўринишлари ва унинг натижаларини инобатга олувчи ўткир коронар синдромнинг махсус эпидемиологик қайд қилиш дастурлари (регистрлар) мавжуд эмас. Таъкидлаш жоизки, ўткир коронар

1 Avezum et al.- al. "Magnitude and prognosis associated with ventricular arrhythmias in patients hospitalized with acute coronary syndromes (from the GRACE Registry)." The American journal of cardiology vol. 102,12 (2008): 1577-82. doi:10.1016/j.amjcard.2008.08.009

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

синдром билан боғлиқ, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида тадқиқотларни ўтказишга қизиқиш ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4887-сон ва 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакалогия» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Т. Luуis (1909) итларда коронар артерия боғланганда, қоринча тахикардияси хуружини бошдан кечиришини аниқлади. 1912 йилда А. Hoffmаn биринчи бўлиб беморда қоринча тахикардиясининг фибрилляцияга ўтиш пайтида электрокардиограммани қайд этди. ҚФнинг биринчи тавсифи 1842 йилда J.Erichsen томонидан берилган. 1921 йилда Г. Robinsоn ва Г. Херман ўткир миокард инфаркти бўлган беморда қоринча тахикардияси кузатилган биринчи ЭКГни қайд этдилар. 1939 йилда Н.Л. Гурвич биринчи тўғридан-тўғри оқим дефибриляторини яратди ва юрак дефибриляциясининг назарий асосларини ишлаб чиқди. А.А. Вишнеvский, Б.М. Цукерман 1956 йилда ЭИТ усулини оғир суправентрикуляр аритмияларга кенгайтди. Дядык А. И., Багрий А.Э. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўткир миокард инфарктида қоринча аритмияларининг патогенези ўрганилган. Al-Khatib S.M., Stebbins A.L ва бошқалар томонидан олиб борилган GUSTO-III trial натижаларига кўра касалхонадаги ҚФнинг муҳим мустақил башорат қилувчи омилларига: юқори Киллип синфи, систолик босим пастлиги, томир ичига олдиндан лидокаинни юбориб қўллаш, тромболизис учун қисқароқ вақт ва госпитализациягача 2 ҳафтадан кам вақт ичида бета-адреноблокаторлардан фойдаланиш; Касалхонадаги ҚТ нинг мустақил башорат қилувчи омиллари дастлабки систолик босимнинг пастлиги, госпитализациягача лидокаинни томир ичига олдиндан қўллаш, юқори Киллип синфи, юрак уриш сонининг юқорилиги ва кекса ёш эди. 30 кунлик ўлим даражаси ҚФ бўлган беморларда 31%, ҚТ бўлганларда 24%, иккаласи ҳам бўлганларда 44% ва ҳеч бири бўлмаганларда 6% ни ташкил этган (p=0.001).

Farrellda T.G. va boshqa olimlar ЎМИдан кейинги беморларда ЮРВ кўрсаткичларининг пастлиги тўсатдан коронар ўлим ва аритмик ҳодисаларнинг прогнозчиси эканлигини хабар қилди.

Муаллифлар бўйича, инфарктдан кейинги беморларда ЮРВ кўрсаткичларининг пастлигида тўсатдан ўлим нисбий хавфи етти баравар юқори бўлганлиги аниқланган ва ЮРВнинг кейинги аритмик ҳодисалар билан сезиларли даражада боғлиқ эканлигини аниқланди, ҳамда бошқа прогностик омилларга қараганда (ЧФ ҲФ ва б) тўсатдан аритмик ўлимнинг мустақил башорат қилади деган хулосага келди.

Мамлакатимизда бир қатор олимлар юрак ритми бузилишлари буйича илмий тадқиқотлар ўтказилган, жумладан: Курбанов Р.Д, Аминов А.А ларнинг илмий ишларида ТЛТ ва бета-адреноблокаторларнинг бир вақтда қўлланганда ўлим кўрсаткичи ва аритмияларнинг камайиши МИ зонасининг чекланганлиги ва унинг функциясининг тезроқ тикланиши билан боғлиқлиги. Якубова Э.Ф тадқиқотларида Аллапининнинг пер ос шакли, миокард инфарктининг ўткир давридаги беморларда профилактика мақсадида 75-100 мг суткалик дозада қўлланилса, ҚА ларнинг умумий сонини ва уларни рўйхатга олиш соатларини камайтиради, юқори градацияли ҚА га қарши мақсадли фаолликни кўрсатган, қоринча тахикардияси ва қоринча фибриляциясининг пароксизмларини олдини олган. Кенжаев М.Л, Хаитов С.Ш илмий тадқиқотларида ўткир коронар синдромли беморларда бирламчи ангиопластика вақтида кверцетинни қўллаш миокарднинг электик барқарорлигига ва реперфузион қоринча аритмияларининг кузатилишини сезиларли камайтилганлигини исботланди. Кенжаев С.Р. тадқиқотларида дастлабки бир соат ичида бирламчи ТОКА иложи бўлмаганда догоспитал тромболизисни қўллаш миокард инфаркти асоратланишини, касалхонада ётиш койка кунини камайишига ва ўлим кўрсаткичинини камайтириш имконини беради ва бунинг натижасига маблағ сарфини камайишига олиб келиши исботланди.

Бироқ, юрак ритми бузилишлари, ишемик ва реперфузион аритмиялар, билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни олиб боришни такомиллаштириш, аритмияларга боғлиқ ҳолда реперфузиянинг комплекс самарали йўллари ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар Республикамиз ҳудудида аввал ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Диссертация тадқиқоти Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида ИЗ-2016–0907200406-сонли «Ўткир миокард инфарктида чап қоринча дезадаптив прогнозлаш алгоритмларини жорий этиш» мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади:** ўткир коронар синдромли беморларда марказий ва юрак ичи гемодинамикаси, юрак ритми вариабеллиги, кечки қоринчалар потенциаллари, хавфли қоринча аритмияларининг башоратчиларини баҳолаб,

дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиб даволашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

даволаш босқичларида ўткир коронар синдромли беморларда юрак ритми вариабеллиги, вегетатив хронотроп функциясининг кўрсаткичларини баҳолаш ва миокарднинг аритмик фаоллигини аниқлаш;

ўткир коронар синдромли беморларда хавfli қоринчалар аритмияларининг ривожланиши муҳим башоратчиларини аниқлаш

ўткир коронар синдром билан оғриган беморларда юракнинг аритмик фаоллигини баҳоловчи, чап қоринча дисфункциясининг эрта ташхисот белгиларини ўрганиш;

ўткир коронар синдромда госпитал ва госпитализациягача ўтказилган тромболитик терапиясида юрак ритми бузилишлари, касаллик асоратланиши, марказий ва юрак ичи гемодинамикаси ҳолатини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти:** сифатида 150 нафар 45-75 ёшли ўткир коронар синдроми ташхисланган беморлар тадқиқотларга жалб қилинган. Улардан 90 нафарида ўткир коронар синдром I-IV-синфли қоринча экстрасистолияси билан асоратланган бўлган.

**Тадқиқотнинг предмети:** юрак фаолиятини Холтер бўйича мониторинги, электрокардиография, интервенцион лаборатор текширувлар натижалари ҳамда, ЧҚ систолик ва диастолик функцияларни эхокардиографик кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари:** клиник ҳолатни баҳолаш, электрокардиография, эхокардиография, доплер-эхокардиография, коронарография, лаборатор текширувлар, юрак фаолиятини Холтер бўйича мониторинги, ҳамда статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўткир коронар синдром билан оғриган беморларда юрак ритми вариабеллиги, қоринчалар кечки потенциаллари, QT дисперсия ва юрак ритми турбулентлиги ҳаётга хавф туғдирувчи омиллар сифатида сезувчанлиги исботланган.;

ST элевацияли ўткир ўткир коронар синдромли беморларда катта базасида хавfli қоринчалар аритмияларининг ривожланишидаги муҳим башоратчиларининг ўзига хослиги исботланган;

ўткир коронар синдромли беморларда юракнинг аритмик асоратлари билан биргаликда чап қоринча дисфункцияси ҳамда тож томирлар шикастланиш аҳамияти асосланган;

ST элевацияли ўткир коронар синдромида шифохонада ва шифохонагача бўлган тромболитик терапиянинг юрак ритми бузилишлари, марказий ва юрак ичи гемодинамикаси ўзгариши каби асоратларини олдини олувчи таклиф этилган алгоритм самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эрта догоспитал тромболитик терапия ST элевацияли ўткир коронар синдромли беморларда кўллаш бу марказий гемодинамикага ижобий таъсир кўрсатган ва ўткир коронар синдромда қоринча аритмияларининг юқори градациялари, қоринчалар фибрилляциясининг учраш частотасини камайтирган;

эрта догоспитал миокард ST элевацияли ўткир коронар синдроми реваскуляризация кўлланган беморларда кардиоген шок, ўпка шиши, миокард инфарктининг қайталаниши, юрак ритми ва юрак ўтказувчанлигининг бузилиши, ўлим ҳолатлари частотаси сезиларли камайганлиги асосланган;

Юракнинг аритмик асоратлари билан биргаликда чап қоринча дисфункцияси, шу билан биргаликда тож томирлар шикастланиш аҳамияти ўрганилган ва ишлаб чиқарилган алгоритм эрта асоратларни олдини олишга асосланган;

реперфузион қоринчалар фибрилляциясига чалинган беморларда касалхонада ўлим ҳолатининг кузатилиши эрта догоспитал миокард реваскуляризацияси ўтказилган беморларга нисбатан шифохонада ўтказилган миокард реваскуляризацияси олган беморларда ўлим ҳолати ишонарли даражада камайганлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** Илмий ишни бажариш жараёнида олинган натижалар ишончлилиги тадқиқотда замонавий клиник, биокимёвий, инструментал, тиббий-ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги, етарли миқдордаги клиник материаллар, олинган натижаларни назарий ва амалий тасдиқланганлиги, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққослаганда уларнинг ишончлилиги, олинган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юрак ритми вариабеллиги, асосан, реперфузия белгилари бўлмаган асоратланган миокард инфаркти гуруҳида парасимпатик автоном нерв тизимининг пасайиши ва симпатик фаоллигининг ўсишини ишончли тарзда акс эттиради. Симпатик асаб тизимининг фаоллиги ошиши юрак етишмовчилигининг клиник белгиларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Миокард инфарктининг ўткир даврида ўрганилаётган электрокардиографик кўрсаткичлар ва систолик дисфункциянинг мавжудлиги ўртасида сезиларли боғлиқлик йўқлиги аниқланди. Лекин ҳаёт учун хавфли ҚАнинг башоратчиларида  $QTd > 80$  мс, қоринчалар кечки потенциали,  $SDNN < 15$  мс киради. ЧҚЯДХ ошиши ва унинг ҲФнинг камайиши ҳам хавфли ҚА башоратчилари эканлиги тасдиқланди. Касалхона ичи миокард реваскуляризацияси тромболитик давосини қабул қилган беморларга нисбатан эрта касалхонагача ТЛТ қилинган беморларда бўлмача фибрилляциясининг, АВ блокада, айниқса унинг III-синфи, кардиоген шок, ўпка шиши, қайталанувчи миокард инфаркти, цереброваскуляр асоратлари ишонарли кам бўлганлиги тадиқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қоринчалар экстрасистолияси билан асоратланган ST сегменти кўтарилиши билан кечувчи ўткир коронар синдромли беморларда касалхона босқичида турғун қоринча тахикардияси ва қоринча фибрилляциясининг ривожланиши хавфи юкорилигини ҳисобга олиб, ўз вақтида ҳаётга хавф солувчи аритмичларнинг башоратчиларини аниқлаб, тезлик билан даволаш профилактик чораларни бошлаш зарурлиги тасдиқланган. Шошилишч ТОКА ўтказиш иложи бўлмаганда, касалхонагача тромболитик терапия ST элевацияси бўлган ўткир коронар синдромли беморларда, касалхонада миокард реваскуляризацияси амалга оширилган беморлар билан солиштирилганда қоринчалар хилпиллаши, миокард инфарктининг қайталанишида, юрак ритмининг бузилиши, ўтказувчанликнинг бузилиши ва ўлим ҳолатлари камайтирилганлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15 январдаги 11-сонли йиғилиш баённомаси асосида берилган илмий-тадқиқот иши натижаларини амалиётга қўллаш тўғрисидаги хулосага кўра:

**биринчи илмий янгилик:** ўткир коронар синдром билан оғриган беморларда юрак ритми вариабеллиги, қоринчалар кечки потенциаллари, QT дисперсия ва юрак ритми турбулентлиги ҳаётга хавф туғдирувчи омиллар сифатида сезувчанлиги исботланган ва эрта ташхисотини амалга ошириш, ҳамда эрта профилактика алгоритмини яратиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Олинган маълумотлар эрта ташхис қўйиш ва хасталанишнинг натижасини прогностлашни яхшилашга имкон беради, бу кардиолог мутахассисига юрак ритми бузилишлари билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларда даволанишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва шу билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Тиббий ва ижтимоий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг такомиллаштирилган усуллари бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар ёш беморларда ўткир коронар синдром кечишини, касаллик ҳолатини баҳолашни ва ушбу тоифадаги беморларга тўғри даволанишни буюришда 200.000 (икки юз минг) сўмни тежаш ҳисобида ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. *Хулоса:* Текширув олиб борилган вақт давомида (2018-2021) эрта догоспитал миокард реваскуляризациясини STэЎКС беморларда қўллаш бу марказий гемодинамикага ижобий таъсир кўрсатди ва ЎКСда қоринчалар фибрилляциясининг учраш частотасини 7,2% дан 2,4% гача камайтирди, шу билан бирга текширув олиб борилган вақт давомида қоринчалар тахикардияси частотаси деярли ўзгармади ва 1,6% ни ташкил этди ( 2,0%). Умуман олганда, текширув олиб борилган вақт давомида ЎКС да қоринчалар аритмиясининг учраш частотаси 9,2% дан 4,4% гача камайди.

**иккинчи илмий янгилик** ST элевацияли ўткир коронар синдромли беморларнинг катта базасида хавфли қоринчалар аритмияларининг ривожланишидаги муҳим башоратчиларининг ўзига хослиги исботланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* шундан иборатки, юрак ритми бузилишлари билан асоратланган ўткир коронар синдроми клиник кечиши ва унинг асоратланишининг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси учун клиник амалиётга кенг жорий этиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: фатал аритмиялар билан билан асоратланган ўткир коронар синдромида тромболитик терапияси усулининг мукамаллаштирилиши ва терапевтик амалиётга киритилиши ҳисобига ҳар бир беморни стационар даволаш бўйича 147000 сўмни тежаш имконини берди. *Хулоса:* Иккиламчи қоринчалар фибрилляцияси кузатилган беморларда касалликнинг кечиши асоратлари биринчи гуруҳдаги беморларга нисбатан сезиларли даражада ёмонроқ. Эрта догоспитал миокард ревазулиризацияси (ТЛТ) ўтказилган беморларда кардиоген шок, ўпка шиши, миокард инфарктининг қайталаниши, юрак ритми ва юрак ўтказувчанлигининг бузилиши, ўлим ҳолатлари текширув вақтида сезиларли камайди.

**учинчи илмий янгилик:** ўткир коронар синдромли беморларда юракнинг аритмик асоратлари билан биргаликда чап қоринча дисфункцияси ҳамда тож томирлар шикастланиш аҳамияти асосланган; *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари аритмик асоратларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти, ҳамда ўткир коронар синдромида ўзининг дигностик алгоритминини шакллантириш, касалликни аниқлаштириш даврини қисқартириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Тиббий ва ижтимоий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг такомиллаштирилган усуллари бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар беморларда фақат аритмиялар билан асоратланган ўткир коронар синдромида тромболитик терапия, касаллик ҳолатини баҳолашни ва ушбу тоифадаги беморларга тўғри даволанишни буюришда бир юз қирқ етти минг сўмни тежаш ҳисобида ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди. *Хулоса:* Реперфузион қоринчалар фибрилляциясига чалинган беморларда касалхонада ўлим ҳолатининг кузатилиши Эрта догоспитал миокард ревазулиризацияси (ТЛТ) ўтказилган беморларга нисбатан шифохонада ўтказилган миокард ревазуляризацияси (ТЛТ) олган беморларда ўлим ҳолати сезиларли даражада кам кузатилди.

**тўртинчи илмий янгилик:** ST элевацияли ўткир коронар синдромида шифохонада ва шифохонагача бўлган тромболитик терапиянинг юрак ритми бузилишлари, марказий ва юрак ичи гемодинамикаси ўзгариши каби асоратларини олдини олувчи таклиф этилган алгоритм самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Реперфузион қоринчалар фибрилляциясига чалинган беморларда

касалхонада ўлим ҳолатининг кузатилиши эрта догоспитал миокард реваскуляризацияси ўтказилган беморларга нисбатан шифохонада ўтказилган миокард реваскуляризацияси олган беморларда ўлим ҳолати ишонарли даражада кам кузатилган. Олинган тадқиқот натижалари кардиология, интенсив терапия ва шошилиш тиббий ёрдам соҳаларида қўлланилиши тавсия этилган, ҳамда ST сегмент кўтарилган ўткир коронар синдромда шифохонагача ТЛТ амалиётини қўллаш орқали турли хил аритмик асоратларнинг кам учраши, реперфузия жараёнининг самарадорлигининг ошишига имкон бериши асосланган шу сабабли юрак ритми бузилишлари билан асоратланган ўткир коронар синдромли беморларни олиб боришда тромболитик терапия ўтказиш касалликларни асоратларини олдини олиши қийматини оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: текширувдан фойдаланиб ташхислаш ҳисобидан ҳар бир нафар бемордан тромболитик терапия қийим самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш натижасида тез тиббий машинасида қўллаганда беморларда ўлим кўрсаткичини камайганлиги, хаёт учун хавфли аритмияларнинг камроқ учрашиб меҳнат қобилиятининг тезроқ тикланиши давлат бюджетига тежаш имконини берган. *Хулоса:* Қоринчалар тахикардияси кузатилган беморларда касалликнинг кечиши қоринчалар тахикардияси кузатилмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада ёмон кечди. Қоринчалар тахикардияси, ўпка шиши, миокард инфарктининг қайталаниши, юрак ритми ва ўтказувчанлигининг бузилиши, ўлим ҳолатлари касалхонада даволаниш жараёнида тез-тез учраши исботланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 127 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўткир коронар синдромда юракнинг хавфли ритм бузилишлари муаммосининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобда ЎКС да юрак ритм бузилишлари муаммосининг замонавий ҳолати тўлақонли тавсифланган. Тадқиқотларнинг шарҳи асосида ЎКС нинг патогенези, таснифлашнинг муҳим жиҳатлари, хавфли аритмияларнинг эпидемиологияси, патогенези ва даволаш тамойиллари, симптомларнинг пайдо бўлишига мақбул шароитлар келтирилган. Шунингдек ушбу бобда ўткир коронар синдромли беморларда ҳаётга хавф солувчи қоринча аритмиялари ривожланишининг башоратчилари, хавфли аритмияларни даволашда реперфузиянинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари асосида ўткир коронар синдромда хавфли аритмияларни олиб бориш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Ўткир коронар синдромли хавфли юрак аритмиялари билан асоратларган беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи боби тадқиқотнинг материаллари ва усуллари бағишланган.

Тадқиқот Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали кардиология, кардиореанимация бўлимида 2019-2023 йилларда танлов асосида проспектив таҳлилга асосланган «Ўткир коронар синдром» ташҳиси қўйилган 150 нафар беморда ўтказилган ўрганишлар негизида амалга оширилган. Барча беморларга STэЎКС таҳшиси ЕКХ 2017 йилдаги тавсияларидаги мезонларга асосланиб қўйилган. Ушбу беморларнинг 75 нафарида STэЎКСнинг НС та трансформацияси, 75 тасида МИга трансформацияси кузатилган. Назорат гуруҳидаги хавфли қоринча аритмиялари кузатилмаган, 60 нафар ЎКС билан оғриган (ўртача ёши  $65,90 \pm 0,67$ ) ва асосий гуруҳда ўртача ёши  $63,20 \pm 0,8$  бўлган 90 (50%) нафар ўткир коронар синдром III-IV синфли (В. Lown ва М. Wolf, бўйича 1976). қоринча экстрасистолиясининг ривожланиши билан асоратланган беморлар киритилган. 1-расмда текширув дизайни келтирилган.



### 1-расм.Текширув дизайни

Ўз навбатида ушбу гуруҳлар 2 тадан гуруҳчаларга булинган:

- IA гуруҳ – хавфли қоринча аритмиялари кузатилган уткир миокард инфаркти билан оғриган беморлар гуруҳчаси (n=45);
- IIА гуруҳ – хавфли қоринчалар аритмиялари кузатилган ностабил стенокардия билан оғриган беморлар гуруҳчаси (n=45);
- I кичик гуруҳ – хавфли қоринчалар аритмиялари кузатилмаган уткир миокард инфаркти билан оғриган беморлар гуруҳчаси (n=30);
- II кичик гуруҳ – хавфли қоринча аритмиялари кузатилмаган ностабил стенокардия ташхиси қуйилган беморлар гуруҳчаси (n=30).

Ушбу гуруҳларчалар ўзаро бир-биридан ёши, жинси, касаллик давомийлиги, хавф омилларининг мавжудлиги, ёндош ҳолатларнинг мавжудлиги ва олган базис терапияси бўйича кескин фарқ қилмади.

Киритиш мезонларига жавоб берган ва истисно мезонларига эга бўлмаган беморлар ўткир коронар синдром ривожланишидан бошлаб дастлабки 3 сутка ичида бир вақтнинг ўзида клиник текширувдан ўтказилди. Текширув қуйидагиларни ўз ичига олган: ҳолатни клиник баҳолаш, ЭКГ ёки кардиоспецифик белгилар бўйича ўткир коронар синдромни тасдиқлаш, ЭхоКГ, юрак ритмини холтер усулида мониторинглаш, коронарография.

Барча тадқиқотга киритилган беморларга реперфузион терапия амалга оширилди. Беморлар ЕКХнинг 2017 йилги STэМИни даволаш бўйича тавсияларига асосланган терапияни қабул қилишди. Базис терапия сифатида антикоагулянтлар, иккиланган антиагрегант терапия, статинлар, бета-адреноблокаторлар, ангиотезин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари,

кўрсатмаларга биноан наркотик анальгетиклар, нитратлар, кордарон, лидокаин, глюкоза-калий-магний аралашмаси ва бошқаларни қабул қилганлиги 1-жадвалда келтирилди.

**1-жадвал.**

**Текширилган гуруҳларда беморлар қабул қилган дори воситалари  
(n=150)**

Кўрсаткичлар	IA гуруҳ n = 45 ХҚА+ЎМИ		IB гуруҳ n = 45 ХҚА+НС		IIА гуруҳ n = 30 ЎМИ		IIБ гуруҳ n = 30 НС	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Стрептокиназа	45	100	45	100	30	100	30	100
Гепарин	45	100	45	100	30	100	30	100
Аспирин	45	100	45	100	30	100	30	100
Клопидогрел	43	95,6	42	93,3	28	93,3	27	90,0
Брилинта	2	4,4	3	6,67	2	6,67	3	10
Аторвастатин	42	93,3	43	95,6	27	90	27	90
Розувастатин	3	6,67	2	4,5	3	10	3	10
Наркотик анальгетик	45	100	45	100	30	100	30	100
Изосорбит динитрат	38	84,4	40	88,9	25	83,3	24	80
Бисопролол	33	73,3	30	66,7	23	76,7	22	73,3
Эналаприл	40	88,9	41	91,1	25	83,3	27	90
Лозартан	5	11,1	4	8,89	5	16,7	3	10
Верошпирон	42	93,3	37	82,2	27	90	25	83,3
Дофамин	4	8,89	1	2,22	2	6,67	0	0
Добутамин	2	4,44	0	0	1	3,33	0	0
Фуросемид	25	55,6	23	51,1	20	66,7	10	33,3
Кордарон	45	100	45	100	0	0	0	0
Аллапинин	1	2,22	3	6,67	0	0	0	0
Лидокаин	15	33,3	12	26,7	0	0	0	0
Коллоид эритмалар	4	8,89	1	2,22	2	6,67	3	10
ГИК+магний сульфат эритмаси	40	88,9	42	93,3	22	73,3	24	80

Тромболитик терапия 10 дақиқа ичида унга қарши кўрсатма бўлмаганда ва бирламчи ТОКАга имкон қадар тезроқ ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганда (тиббий ходимлар билан биринчи алоқада бўлганидан кейин 120 дақиқадан камроқ вақт ичида) амалга оширилди. 3 соат ичида муваффақиятсиз тромболизисдан сўнг қутқарувчи ТОКА 3 (2%) нафар беморда, тромболизисдан кейин кечиктирилган ТОКА госпитал давр охиригача 138 (92%). нафар беморларда амалга оширилди. ТОКА амалиёти инфарктга боғлиқ тож томирни

ва бошка тож томир бассейнларидаги сезиларли стенозларни бартараф этиш учун стентлаш йўли билан амалга оширилди. Барча беморларда дори копламали стентлар ўрнатилди. 9 та беморда (6%) АКШ амалиёти тавсия этилди ва 2 ойдан сўнг терапия фонидида ушбу амалиёт бажарилди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Текширилаётган беморларда бажариладиган реперфузия турлари  
(n=150)**

Кўрсаткичлар	IA гуруҳ n = 45 ХҚА+ЎМИ		IB гуруҳ n = 45 ХҚА+НС		IIА гуруҳ n = 30 ЎМИ		IIБ гуруҳ n = 30 НС	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
ТЛТ	45	100	45	100	30	100	30	100
Кутқ ТОКА	2	4,44	0	0	1	3,33	0	0
Кеч ТОКА	39	86,7	44	97,8	27	90	28	93,33
<b>АКШ</b>	4	8,89	1	2,2	2	6,67	2	6,67

Барча текширувга киритилган беморлар коронарография текшируви ўтказилган. Олинган Маълумотларни статистик қайта ишлаш STATISTICA 6.0; BIOSTAT; Microsoft Excel XP дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг “Ўткир коронар синдромли беморларда юрак ритми бузилишларини башоратлаш ва даволаш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқот натижалари келтирилган.

Хавф солувчи қоринчалар аритмиясининг ривожланишини башоратлаш ST сегмент элевациясиз ўткир коронар синдроми билан касалланган 150 беморни проспектив кузатуви асосида амалга оширилди.

Хавфли қоринча аритмиялари кузатилган ЎКС билан оғриган беморлар гуруҳи (n=90) касалликнинг трансформациясини ҳисобга олган ҳолда икки гуруҳга бўлинган: IA-гуруҳ - 45 (30%) нафар миокард инфаркти билан касалланган беморлар, IIА-гуруҳ - 45 (30%) ностабил стенокардия бўлган беморлар. Назорат гуруҳи беморлари хавфли юрак ритмининг бузилиши бўлмаган ҳолда ўткир коронар синдромли 60 (40%) нафар беморлардан иборат бўлган. Ўз навбатида ушбу гуруҳ ҳам касаллик трансформациясини ҳисобга олган ҳолда яна иккита кичик гуруҳларга бўлинган: I кичик гуруҳ – ўткир миокард инфаркти билан оғриган 30 (20%) нафар бемор, II кичик гуруҳни эса ностабил стенокардия билан оғриган 30 (20%) нафар беморлар киритилди. Текширилган ўткир коронар синдромли беморларнинг умумий характеристикаси, давонинг табиати ва кўлами 2.1-бўлимда келтирилган. 90

(60%) нафар бемор ўткир коронар синдромнинг кечиши қоринча экстрасистолиясининг I-IV синфлари ривожланиши билан асоратланди .

90 (75%) нафар 45-75 ёшли (ўртача  $64,55 \pm 0,86$ ) ҚЭ билан асоратланган ST сегмент элевацияли ўКС ли беморлар кузатуви амалга оширилган. Уларнинг таркиби 37 (41,11%) нафар 45 ёшдан 73 ёшгача бўлган аёллар (ўртача  $65,90 \pm 0,67$  ёш) ва 53 (58,89) 35 ёшдан 73 ёшгача бўлган эркаклардан (ўртача  $63,20 \pm 0,84$  ёш) иборат бўлган. Беморларнинг 75 (83,33%) нафарида анамнезида I-III синфли стенокардия, анамнезда МИ 33 (36,67%) нафар беморларда, NYHA бўйича I-II ва III-IV функционал синфлардаги сурункали юрак етишмовчилиги мос равишда 75 (83,33%) нафар ва 11 (12,22%) нафар беморларда аниқланган, гипертония касаллиги – 79 (87,78%), оёқ веналарининг варикоз кенгайиши касаллиги - 30 (33,34%) нафар, семизлик -26 (28,89%) кишида, қандли диабет - 11 (12,22%) беморда, сурункали обструктив ўпка касаллиги - 17 (18,89%) пациентда, ошқозон яраси ва 12-ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги-16 (17,78%) беморда, сурункали холецистит - 29 (32,2%) кишида аниқланган. Назорат гуруҳи билан таққосланганда жинси, ёши, қўшилиб келган касалликлари, МИ тарихида сезиларли фарқлар аниқланмаган.

Асосий касалликни ҳисобга олган ҳолда қоринча экстрасистолия билан асоратланган ўткир коронар синдром билан касалланган барча беморлар гуруҳларга бўлинди: I-гуруҳ - 45 (50%) миокард инфаркти ва II-гуруҳ - 45 (50%) ностабил стенокардия бўлган беморлар ҳамда назорат гуруҳи - кичик гуруҳларга: 30 нафар (12,5%) миокард инфаркти билан касалланган беморлар. (I кичик гуруҳ) ва 30 (12,5%) ностабил стенокардия бўлган беморлар (II кичик гуруҳ).

IA гуруҳга 17 (37,78%) нафар 52 ёшдан 73 ёшгача бўлган аёллар (ўртача  $68,24 \pm 1,56$  ёш) ва 26 (57,78%) нафар 47 ёшдан 75 ёшгача бўлган эркаклар (ўртача  $64,31 \pm 1,67$  ёш), ПА гуруҳга 20 (44,44%) нафар 45 ёшдан 70 ёшгача бўлган аёллар (ўртача  $63,87 \pm 1,91$  ёш) ва 27 (60%) нафар 49 ёшдан 75 ёшгача бўлган эркаклардан (ўртача  $62,41 \pm 1,72$  ёш) ташкил қилади. I кичик гуруҳга 10 (33,33%) нафар 55 ёшдан 72 ёшгача бўлган аёллар (ўртача  $60,40 \pm 4,26$  ёш) ва 20 (66,67%) нафар 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган эркаклар (ўртача  $62,50 \pm 2,04$  ёш), II кичик гуруҳга 16 (53,33%) нафар 52 ёшдан 75 ёшгача бўлган аёллар (ўртача  $67,10 \pm 1,51$  ёш) ва 14 (46,67%) нафар 49 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркаклар (ўртача  $59,50 \pm 1,83$  ёш) киритилган. IA ва ПА гуруҳлардаги беморларда анамнезида I-III синфдаги стенокардия мос равишда 39 (86,67%) ва 36 (80,0%) нафар беморларда, анамнезда миокард инфарктига мос равишда - 18 (40,0%) ва 15 (33,33%) беморларда, NYHA бўйича сурункали юрак етишмовчилигининг I-II функционал синфлари мос равишда 34 (75,56%) ва 41 (91,11%) беморда аниқланган, III-IV функционал синф эса - 6 (13,33%) ва 5 (11,11%) нафар беморларда аниқланди, гипертония касаллиги мос равишда-38 (84,44%) ва 41 (91,11%) беморларда, оёқ веналарининг варикоз касаллиги мос равишда - 13 (28,87%) ва 17 (37,78%) беморда, ўз навбатида, семизлик мос равишда - 13 (28,89%) ва 13 (28,89%) беморда, қандли диабет мос равишда - 4 (8,89%) ва 7 (15,56%) нафар беморда, ўпканинг сурункали

обструктив касаллиги мос равишда - 8 (17,78%) ва 9 (20,00%) нафар беморда, ошқозон ва 12 - ўн икки бармоқли ичак яраси мос равишда - 8 (17,78%) ва 8 (17,78%) нафар беморда, сурункали холецистит мос равишда - 3 (6,67%) ва 16 (35,56%) нафар беморларда аниқланган. Анамнезида МИ кузатилган I ва II гуруҳ беморларида бир-бири билан солиштирганда ҳам, кичик гуруҳлардан иборат назорат гуруҳлари билан солиштирганда ҳам жинс, ёш, кўшилиб келган касалликлар бўйича ишонарли фарқлар аниқланмаган, шунингдек IA ва IIA гуруҳчалар орасидаги қоринча экстрасистолияси частотаси бўйича ҳам фарқлар аниқланмаган.

**I ва II гуруҳ беморларида дастлабки текширувдан сўнг марказий ва юрак ичи гемодинамикаси, юрак ритми вариабеллиги, кечки қоринчалар потенциаллари, QT интервал дисперсияси ҳолати**

Биринчи текширувдан сўнг IA и IIA гуруҳлардаги беморларда назорат гуруҳлари ва I ва II кичик гуруҳлар билан солиштирилганда марказий ва юрак ичи гемодинамикаси, ЮРВ, қоринчалар кечки потенциаллари ва QTd ҳолати 3-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, I гуруҳ беморларида II гуруҳ билан солиштирганда LF, Tot QRS, LAS-40 қийматлари ишонарли ошган бўлса, II-гуруҳ беморларида I-гуруҳ билан солиштирганда юрак ишемияси, чап қоринча зарб ҳажми, ЯСХчқ, ЯДХчқ қийматлари, E, A ва E/A нисбатлари ишонарли юқори эди. Назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳи беморларида II-кичик гуруҳ билан солиштирганда биринчи текширувдан сўнг VLF, HF, LAS-40 қийматларининг ишонарли ошиши ва юрак ишемияси, чап қоринча зарб ҳажми, ЯСХчқ, ЯДХчқ, ЯДХчб, E, A, E/A, SDNN нисбатларининг пасайиши аниқланди. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгаришлар бўлмади.

I-гуруҳ беморларида назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳига нисбатан биринчи текширувдан сўнг ЯДХчб қийматининг, E/A, LF, Tot QRS, LAS-40, QTd нисбатларининг ишонарли ошиши ва юрак ишемияси, ЯСХчқ, ЯДХчқ, E, SDNN, RMS-40 нинг пасайиши кузатилди. I-гуруҳ беморларида назорат гуруҳининг II-кичик гуруҳига нисбатан биринчи текширувдан сўнг ЯДХчб, LF, Tot QRS, LAS-40, QTd қийматларининг ишонарли ошиши ва юрак ишемияси, чап қоринча зарб ҳажми, ЯСХчқ, ЯДХчқ, E, A, E/A, SDNN нисбатлар, LF/HF, RMS-40 нисбатларининг камайиши аниқланди. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгариш аниқланмади.

II-гуруҳ беморларида назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳига нисбатан биринчи текширувдан сўнг ЗХчқ, ЯСХчқ, ЯДХчқ, ЯДХчб, A, E/A, E/A, LF, Tot QRS қийматларининг ишонарли даражада ошиши ва RMS-40 нисбатининг пасайиши аниқланди. II-гуруҳ беморларида II-назорат кичик гуруҳига нисбатан биринчи текширувдан сўнг ЯДХчб, VLF, LF, Tot QRS, LAS-40, QTd қийматлари ишонарли даражада ошди ва юрак ишемияси, чап қоринча зарб ҳажми, ЯДХчқ, E, E/A, SDNN, RMS-40 нисбатлари пасайган. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгариш бўлмади (3-жадвал).

Биринчи текширувдан сўнг IA и ПА-гуруҳ беморларида назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳига нисбатан кўрсаткичларда ишонарли фарк аниқланмади, IA-гуруҳ беморларида назорат гуруҳининг II-кичик гуруҳига нисбатан қоринчалар кечки потенциали ва QTd > 80 мс ишонарли даражада тез-тез аниқланган ва ПА- гуруҳ беморларида II-назорат кичик гуруҳига нисбатан қоринчалар кечки потенциали ишонарли даражада тез-тез аниқланган. Назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳидаги беморларда II-кичик гуруҳга нисбатан қоринчалар кечки потенциали ишонарли даражада тез-тез аниқланган. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгаришлар аниқланмаган.

### 3- жадвал

**I ва II текшириш гуруҳлари беморларида дастлабки текширувдан сўнг марказий ва юрак ичи гемодинамикасининг, ЮРВ, КҚП, QTd ҳолати (M±m)**

Кўрсаткичлар	I Кичик гуруҳ n = 30	II Кичик гуруҳ n = 30	IA гуруҳ n = 45	ПА гуруҳ n = 45	Норма
ЮИ, лхмин/м <sup>2</sup>	3,32±0,09	3,45±0,08*	3,06±0,08*°	3,22±0,07°	
ЗХчк, %	51,32±1,67	62,31±4,02*	50,27±2,49°	56,73±1,26 <sup>A*</sup> °	34
ЯСХчк, мл/м	34,58±0,68	37,35±0,75*	33,47±0,59*°	37,62±1,05 <sup>A*</sup>	20-70
ЯДХчк, мл/м <sup>2</sup>	84,76±0,92	88,47±1,26*	82,18±1,31*°	86,42±0,89 <sup>A*</sup> °	70-150
ЯДХчб, мл/м	21,46±0,96	23,24±0,94*	27,03±1,18*°	26,24±1,20*°	70-150
Е, мс	0,63±0,01	0,69±0,02*	0,52±0,02*°	0,61±0,03 <sup>A°</sup>	
А, мс	0,53±0,03	0,61±0,02*	0,56±0,03°	0,60±0,02 <sup>A*</sup>	
Е/А	0,96±0,03	1,30±0,01*	1,02±0,02*°	1,06±0,02 <sup>A*</sup> °	
SDNN, мс	41,80±6,48	56,50±7,38*	33,16±5,64*°	38,15±7,30°	112-192
VLF, мс <sup>2</sup>	232,00± 14,20	199,02±12,60*	213,79±11,60	227,16±9,53°	1170-1540
LF, мс <sup>2</sup>	179,00±24,80	155,00±18,50	237,53±13,70*°	220,04±16,19*°	100-300
HF, мс <sup>2</sup>	79,70±5,78	67,70±5,30*	80,01±11,13	75,82±6,17	
LF/HF, мс <sup>2</sup>	1,48±0,38	1,84±0,26	1,50±0,86°	1,57±0,12	1,5-2
Tot QRS, мс	125,00±4,06	126,23±2,49	138,76±4,18*°	133,12±3,48 <sup>A*</sup> °	270-300
LAS-40, мс	45,40±3,49	39,10±2,98*	56,09±4,76*°	48,51±3,18 <sup>A°</sup>	
RMS-40, мкВ	26,50±3,68	29,80±2,47	18,20±3,76*°	19,58±2,07*°	
QTd, мс	76,21±7,23	68,53±5,62	82,45±6,59*°	79,23±3,75°	

\*-p<0,05- гуруҳлар ичида фарқларнинг ишонарлилиги; °-p<0,05; <sup>A</sup>- p<0,01- I ва II кичик гуруҳ, IA ва ПА гуруҳлар орасидаги фарқларнинг ишонарлилиги;

Беморларнинг I ва II-гуруҳида қоринларча экстрасистолияси ЮРТ ЭКГ нинг суткалик мониторинги бўйича баҳоланди. Унинг таҳлили учун I ва II - гуруҳдаги ҳар бир беморда 50 ёки ундан қоринча экстрасистолияси кузатилганлардан фойдаланилган (ўртача 256±5 ҚЭ). Биринчи текширувдан сўнг I ва II-гуруҳ беморларида қоринчалар экстрасистолияси ЮРТ 4-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, IA-гуруҳ беморларида

биринчи текширувдан сўнг, ПА-гуруҳ билан солиштирганда, патологик қоринчалар экстрасистолияси (меъёр < 0%) деб баҳоланган ишонарли катта қийматлари мавжуд бўлган. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу гуруҳларнинг беморларида тропонин қийматлари турлича бўлган: ТnТ нинг патологик қийматлари мос равишда IA ва I кичик гуруҳларнинг 14,2±0,6 ва 13,4±0,8 нг/мл ни ташкил этди, ушбу гуруҳларнинг қолган беморларида эса - бу кўрсаткичнинг қиймати ПА ва II кичик гуруҳларда 0,05 нг/мл дан кам бўлди. IA-гуруҳ беморларида ПА-гуруҳ билан таққослаганда ишонарли даражада паст TS қийматлар қайд этилиб, улар I-гуруҳнинг 3 (3,61%) нафар беморларида патологик (меъёр > 3,61 мс/RR) деб баҳоланди ва ушбу гуруҳларнинг қолган беморларида TS қиймати 2,5 МС/RR дан ортиқ эди.

#### **Касалхона босқичида IA ва ПА гуруҳ беморларида қоринчалар экстрасистолиясини даволаш**

Беморларнинг IA ва ПА гуруҳларининг барчаси 2-бўлимда батафсил тавсифланган ўткир коронар синдроми стандарт давосини қабул қилдилар. IA ва ПА-гуруҳ беморларида даволаш пайтида клиник таъсир турлича бўлди. Мос равишда IA ва ПА-гуруҳлари ва назорат гуруҳчаларидаги (IA ва ПА кичик гуруҳлари) беморларда ижобий клиник самара кузатилди: назорат ва асосий гуруҳларда ангиноз симптомларининг йўқолиши ва 3-4 сутка ичида ва кейинги кузатув даврида қоринларча экстрасистолияси тўхтатилди ёки дастлабки частотага нисбатан 75% дан кўпроққа камайтирилди. (4-жадвал)

**4-жадвал**

#### **Касалхона босқичида IA ва ПА кичик гуруҳлари беморларида антиаритмик даво характери**

Кўрсаткичлар	I кичик гуруҳ n = 30		II кичик гуруҳ n = 30		IA гуруҳ n = 45		ПА гуруҳ n = 45	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Метопролол	2	6,67	2	6,67	1	2,22	2	4,44
Атенолол	2	6,67	2	6,67	1	2,22	1	2,22
Бисопролол	26	86,7	26	86,7	39	86,7	42	93,33
Амиодарон					45	100	43	95,5
Лидокаин					3	6,66	2	4,44
Аллапинин					1	2,22	3	6,66
ЭИТ					25	55,6	5	11,1
дефибрилляция					5	11,1	1	2,22

Касалликнинг ўткир даврида ушбу гуруҳларнинг мос равишда 15 (12,5%) ва 15 (12,5%) нафар беморларида (назорат гуруҳи билан солиштирганда IA ва ПА-гуруҳнинг 30 нафар беморларида барқарор қоринчалар тахикардияси ва хавф солувчи қоринчалар аритмияси қайд этилган. 6 нафар беморларда қоринчалар фибрилляцияси кузатилган (барча ҳолларда муваффақиятли бартараф қилинган). Антиаритмик дори воситаларидан амиодарон IA гуруҳда 100% ҳолларда, ПА гуруҳда 95,5% ҳолатларда қўлланилган. Беморларда қарши кўрсатмалар

бўлмаганда бета-адреноблокаторлар тавсия этилган. Кам сондаги беморларда лидокаин (6,66%га 4,44%), чап қоринчанинг систолик фаолияти жиддий шикастланмаган беморларда аллапинин (2,22% га нисбатан 6,66%) ишлатилди. Ундан ташқари гипокалиемия ва гипوماгниеия ҳолатларида, Q-T интервали кенгайиши кузатилганда калий ва магний препаратларини инфузия ва таблетка шаклида кўлланилди.

**Дастлабки текширувдан сўнг IA ва ПА кичик гуруҳлари беморларида марказий ва юрак ичи гемодинамикаси, юрак ритми вариабеллиги, кечки қоринчалар потенциаллари, QT интервал дисперсияси, қоринчалар экстрасистолиясининг юрак ритми турбулентлиги ҳолати**

IA ва ПА-кичик гуруҳлари беморларида биринчи текширувдан кейин марказий ва юрак ичи гемодинамикаси, юрак ритми вариабеллиги, кечки қоринчалар потенциаллари, QT интервал дисперсияси ҳолати, назорат гуруҳининг I ва II кичик гуруҳларига нисбатан 5-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўришиб турибдики, IA кичик гуруҳи беморларида ПА кичик гуруҳи билан солиштирганда LF, HF, Tot QRS, QTd қийматлари ишонарли ошган бўлса, таққослаш гуруҳининг ПА кичик гуруҳи беморларида эса IA кичик гуруҳи билан солиштирганда ЗХчк, ЯСХчк, ЯДХчк, ЯДХчб қийматлари ишонарли юқори бўлган. Назорат гуруҳининг I кичик гуруҳи беморларида II кичик гуруҳ билан солиштирганда, биринчи текширувдан сўнг VLF, HF, LAS-40 қийматларининг ишонарли ошиши ва ЮИ, ЗХчк, ЯСХчк, ЯДХчк, ЯДХчб, E, A, ҳамда E/A, SDNN қийматларининг пасайиши аниқланди. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгаришлар аниқланмаган.

Беморларнинг IA кичик гуруҳида назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳи билан солиштирганда биринчи текширувдан сўнг ЯДХчк, ЯДХчб, A, LF, HF, Tot QRS, LAS-40 қийматларининг ишонарли даражада ошиши ва ЮИ, ЯСХчк, E қийматларининг, LF/HF, RMS-40 нисбатининг пасайиши аниқланди. IA-кичик гуруҳидаги беморларда назорат гуруҳининг II-кичик гуруҳига нисбатан биринчи текширувдан сўнг ЯДХчб, LF, HF, Tot QRS, LAS-40, QTd қийматларининг ишонарли даражада ошиши ва ЮИ, ЗХчк, ЯСХчк, ЯДХчк, E, A, шунингдек E/A, SDNN нисбатларининг, LF/HF, RMS-40 нисбатларининг пасайиши аниқланган. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгаришлар аниқланмаган. ПА-кичик гуруҳи беморларида назорат гуруҳининг I-кичик гуруҳи билан солиштирганда, биринчи текширувдан сўнг ЗХчк, ЯСХчк, ЯДХчк, ЯДХчб, A, LF, Tot QRS қийматларининг ишонарли ўсиши ва RMS-40 нинг пасайиши аниқланди. Беморларнинг ПА-кичик гуруҳида назорат гуруҳининг II-кичик гуруҳига нисбатан биринчи текширувдан сўнг ЯДХчк, ЯДХчб, VLF, LF, HF, Tot QRS, QTd қийматлари ишонарли ошди ва ЮИ, ЯСХчк, E, ҳамда E/A, SDNN, нисбати, LF/HF, RMS-40 нисбатида камайиш кузатилди. Бошқа ўрганилган кўрсаткичларда ишонарли ўзгариш аниқланмади.


**IA ва II гуруҳи беморларида дастлабки текширувдан марказий ва юрак ичи гемодинамикаси ҳолати (M±m)**

Беморларнинг кичик гуруҳлари	Биринчи текширувдан сўнг				Касалхонадан чиқарилиш даврида			
	I кичик гуруҳ п = 30	II кичик гуруҳ п = 30	IA гуруҳ п = 45	II гуруҳ п = 45	I кичик гуруҳ п = 30	II кичик гуруҳ п = 30	IA гуруҳ п = 45	II гуруҳ п = 45
ЮИ, л*мин/м <sup>2</sup>	3,32± 0,09	3,45± 0,08*	3,16± 0,08* <sup>о</sup>	3,25± 0,09 <sup>о</sup>	3,39± 0,09	3,50± 0,06*	3,47± 0,08 <sup>#</sup>	3,31± 0,09 <sup>до</sup>
ЗХЧК,%	51,32± 1,67	62,31± 4,02*	50,96± 2,80 <sup>о</sup>	59,74± 1,92 <sup>л*</sup>	58,48± 1,18*	67,17± 1,43* <sup>#</sup>	58,97± 3,19 <sup>#</sup>	62,42± 1,64* <sup>до#</sup>
ЯСХЧК, мл/м <sup>2</sup>	34,58± 0,68	37,35± 0,75*	32,27± 0,91* <sup>о</sup>	35,82± 0,74 <sup>л*</sup>	36,89± 0,97 <sup>#</sup>	42,46± 0,89* <sup>#</sup>	35,32± 0,65* <sup>о#</sup>	41,78± 1,19 <sup>л*#</sup>
ЯДХЧК, мл/м <sup>2</sup>	84,76± 0,92	88,47± 1,26*	86,43± 1,07* <sup>о</sup>	91,18± 1,19 <sup>л*</sup>	83,87± 0,87	86,42± 1,18* <sup>#</sup>	84,39± 0,90 <sup>#</sup>	89,69± 0,97 <sup>л*о</sup>
ЯДХЧб, мл/м	21,46± 0,96	23,24± 0,94*	27,71± 0,82* <sup>о</sup>	29,65± 1,32 <sup>л*</sup>	21,45± 0,91	26,53± 1,32* <sup>#</sup>	30,23± 0,83* <sup>о#</sup>	31,85± 1,12 <sup>л*о#</sup>
Е, мс	0,63± 0,01	0,69± 0,02*	0,59± 0,02* <sup>о</sup>	0,62± 0,03 <sup>о</sup>	0,67± 0,03 <sup>#</sup>	0,68± 0,01	0,63± 0,02* <sup>о#</sup>	0,65± 0,03 <sup>о</sup>
А, мс	0,53± 0,03	0,61± 0,02*	0,57± 0,03* <sup>о</sup>	0,59± 0,02*	0,54± 0,04	0,62± 0,06*	0,58± 0,03	0,57± 0,02
Е/А	0,96± 0,03	1,3 0± 0,01*	0,92± 0,04 <sup>о</sup>	0,94± 0,06 <sup>о</sup>	1,16±	1,28± 0,01* <sup>#</sup>	1,20± 0,02* <sup>о#</sup>	1,25± 0,04 <sup>л*#</sup>
SDNN, мс	41,80± 6,48	56,50± 7,38*	38,14± 5,07 <sup>о</sup>	44,02± 9,04 <sup>о</sup>	59,80± 2,02 <sup>#</sup>	67,90± 3,65* <sup>#</sup>	47,18± 8,06* <sup>о</sup>	52,36± 6,31* <sup>о</sup>
VLF, мс <sup>2</sup>	232,00± 14,20	199,02± 12,60*	216,05± 19,01	231,72± 12,10 <sup>о</sup>	254,00± 9,50 <sup>#</sup>	242,3 0± 8,97*	298,41± 8,02* <sup>о#</sup>	261,07± 10,50 <sup>л*#</sup>
LF, мс <sup>2</sup>	179,00± 24,80	155,00± 18,50	264,11± 14,20* <sup>о</sup>	236,14± 21,70 <sup>л*</sup>	113,20± 11,20 <sup>#</sup>	200,04± 18,60* <sup>#</sup>	277,04± 19,74* <sup>о</sup>	243,11± 18,21 <sup>л*</sup>
HF, мс <sup>2</sup>	79,70± 5,78	67,70± 5,30*	89,20± 5,14* <sup>о</sup>	80,40± 6,07 <sup>до</sup>	85,50± 9,50	70,10± 5,81*	93,14± 3,20 <sup>о</sup>	81,15± 3,72 <sup>до</sup>
LF/HF, мс <sup>2</sup>	1,48± 0,38	1,84± 0,26	0,94± 0,23* <sup>о</sup>	1,08± 0,44 <sup>о</sup>	1,32± 0,41	3,44± 0,83* <sup>#</sup>	1,63± 0,48 <sup>о#</sup>	2,24± 0,35 <sup>л*о#</sup>
Tot QRS, мс	125,00± 4,06	126,23± 2,49	137,00± 3,11* <sup>о</sup>	131,06± 3,71 <sup>л*</sup>	111,09± 8,01 <sup>#</sup>	118,11± 2,10 <sup>#</sup>	124,02± 3,56* <sup>о*</sup>	120,79± 4,12* <sup>#</sup>
LAS-40, мс	45,40± 3,49	39,10± 2,98*	52,3 0± 2,31* <sup>о</sup>	48,29± 7,75	43,30± 4,22	36,12± 7,39	49,50± 4,87 <sup>о</sup>	37,85± 2,86 <sup>л*#</sup>
RMS-40, мкВ	26,50± 3,68	29,80± 2,47	17,89± 4,04* <sup>о</sup>	19,10± 3,57* <sup>о</sup>	38,75± 2,39*	41,20± 2,56*	29,73± 7,11* <sup>о*</sup>	32,18± 4,75* <sup>о*</sup>
QTd, мс	76,21± 7,23	68,53± 5,62	85,40± 3,82 <sup>о</sup>	77,80± 6,20 <sup>Ао</sup>	61,90± 8,72 <sup>#</sup>	48,80± 7,13* <sup>**</sup>	72,32± 4,13* <sup>о*</sup>	58,07± 5,93 <sup>Ао*</sup>

